



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I

2022-yil 13 - yanvar 13 -son

Toshkent sh.

O‘zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasining
2022-yil 11-yanvardagi
17-son qarori ijrosini
ta‘minlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 11-yanvardagi “Texnikumlarni muvaffaqiyatli tamomlagan bitiruvchilarni oliy ta‘lim muassasalarining bakalavriat ta‘lim yo‘nalishlariga suhbat asosida o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” 17-son qarori ijrosini ta‘minlash maqsadida

BUYURAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 11-yanvardagi “Texnikumlarni muvaffaqiyatli tamomlagan bitiruvchilarni oliy ta‘lim muassasalarining bakalavriat ta‘lim yo‘nalishlariga suhbat asosida o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” 17-son qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

Qaror bilan “Texnikumlarni muvaffaqiyatli tamomlagan bitiruvchilarni oliy ta‘lim muassasalarining bakalavriat ta‘lim yo‘nalishlariga suhbat asosida o‘qishga qabul qilish tartibi to‘g‘risida”gi nizom tasdiqlanganligi inobatga olinsin.

2. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari boshqarmasi (X.Sultanov), Oliy ta‘lim muassasalarini muvofiqlashtirish bosh boshqarmasi (A.Xoliqov), Ishlab chiqarish bilan integratsiya va moddiy-texnik bazani rivojlantirish bosh boshqarmasi (A.Meliboyev), Iqtisodiyot boshqarmasi (M.Xamrayev) uch oy muddatda texnikumlarni muvaffaqiyatli tamomlagan bitiruvchilarni oliy ta‘lim muassasalariga kirish imtihonlarisiz, yakka tartibdagi suhbat orqali o‘z sohasiga mos bakalavriat ta‘lim yo‘nalishlariga qabul qilish uchun ularni onlayn ro‘yxatdan o‘tkazish bo‘yicha Oliy ta‘lim muassasalarini rivojlantirish jamg‘armasi hisobidan elektron tizimni ishlab chiqsin va ishga tushirsin.

3. Oliy ta‘lim muassasalari rektorlari va filiallar direktorlariga:
oliy ta‘lim muassasalari qabul komissiyalari tomonidan bitiruvchilarning tizimga yuklangan hujjatlarini o‘rganish natijalari bo‘yicha bitiruvchiga xabar berish;

bakalavriat ta'lim yo'nalishlari bo'yicha 9 nafardan kam bo'lmagan tarkibda Suhbat komissiyasini tuzish;

bitiruvchilarni oliy ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish bo'yicha o'tkazilgan suhbat jarayonlari oliy ta'lim muassasalari qabul komissiyalari hamda Suhbat komissiyalari tomonidan tashkil etilishini nazorat qilish;

talabalikka tavsiya etilgan bitiruvchilar ro'yxatini oliy ta'lim muassasasining rasmiy veb-saytida e'lon qilish hamda ularga to'lov-kontrakt blankalarini berish;

to'lov-kontrakt shartlarini to'liq bajargan bitiruvchilarining tegishli bakalavriat ta'lim yo'nalishining 2-bosqichiga talabalikka o'qishga qabul qilinishini amalga oshirish vazifalari yuklansin.

4. Yuridik bo'lim (F.Fayziyev) bir oy muddatda vazirlikning sohaga oid tegishli normativ-huquqiy hujjatlarini ushbu qarorga muvofiqlashtirsin.

5. Ushbu buyruq ijrosi nazorati vazir o'rinbosari R.Xakimov zimmasiga yuklansin.

Vazir v.v.b.



K. Karimov



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

2022 йил « 11 » Улғайтар

№ 17

Toshkent sh.

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларида сухбат асосида ўқинишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоمنى тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессонал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўрта махсус профессионал таълим босқичида малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, олий ва профессионал таълим муассасаларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони 3-бандида мувофиқ 2022/2023 ўқув йили қабулдан бошлаб техникумларда ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-босқичдан ўқинишни давом эттириш ҳуқуқида эга бўлиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларида суҳбат асосида ўқинишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин:

техникумни муваффақиятли тамомлаган шахслар тоифаси (техникумдаги бутун ўқиб даврида ўқув семестрлари якунига кўра ўзлаштириш баҳолари “5 (аъло)” ва “4 (яқши)”, бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камида 50 фоизи (тиббий олий таълим муассасалари учун камида 85 фоизи) “5 (аъло)” бўлган битирувчилар)ни белгилаш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали битирувчиларни онлайн рўйхатдан ўтказиш;

2

олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан битирувчиларнинг тизимга юкланган ҳужжатларини ўрганиш ва ўрганиш натижалари бўйича битирувчига хабар бериш;

олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) томонидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 9 нафардан кам бўлган таркибда Суҳбат комиссиясини тузиш;

битирувчиларни олий таълим муассасаларида ўқинишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган суҳбат жараёнлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳамда Суҳбат комиссиялари томонидан ташкил этилиши;

талабалikka тавсия этилган битирувчилар рўйхатини олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳамда уларга тўлов-контракт бланкаларини бериш;

тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажарган битирувчиларнинг олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) томонидан тегишли бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичига талабалikka ўқинишга қабул қилиниши.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

ўч ой муддатга техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларида кириш имтиҳонларисиз, яқка тартибдаги суҳбат орқали ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишларида қабул қилиш учун уларни онлайн рўйхатдан ўтказиш бўйича Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жаангармаси ҳисобидан электрон тизимни ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;

манфаддор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Х. Тошқулов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибйилигига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазирли



А. Арпиев

**Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Маъқур Низом техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни (кейинги ўринларда – битирувчилар) ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишларига кириш имтиҳонларисиз, яъна тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларининг 2-босқичидан ўқишнинг давом эттириш учун қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом олий харбий, олий харбийлаштирилган таълим муассасаларига, Тошкент давлат юридик университетига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорражий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Битирувчилар олий таълим муассасаларининг 2-босқичидан ўқишнинг давом эттириши мумкин бўлган ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Битирувчиларни олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз, яъна тартибдаги суҳбат орқали бакалаврият таълим йўналишларининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқлори бир талабани ўқитиш билан ботлиқ харажатлар миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

4. Техникумни муваффақиятли тамомлаганлар тоифасига техникумдаги бугун ўқиш даврида ўқув семестрлари якунига кўра ўзлаштириш баҳолари “5 (аъло)” ва “4 (яхши)”, бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камиди 50 фоизи (тиббик олий таълим муассасалари учун камиди 85 фоизи) “5 (аъло)” бўлган битирувчилар қиради.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчиларни олий таълим муассасаси бакалаврият таълим йўналишига кириш имтиҳонларисиз, яъна тартибдаги суҳбат орқали қабул қилиш тартиби техникумни тамомлаган йилдан бошлаб икки йил мобайнида татбиқ этилади.

Юқорида қайд этилган тоифага қирмайдиган ҳамда техникумни битириганга икки йилдан ошганлар ўқишга кириш истагини билдирганда,

уларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Битирувчиларни ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Хужжатларни қабул қилиш

6. Битирувчиларни олий таълим муассасасининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилиш учун хар йили олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи билан қабул комиссияси тўзилади.

Олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) қабул комиссиясининг раиси хисобланади.

7. Битирувчилар хар йили 5 июлдан 25 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтатилади.

8. Битирувчилар олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича рўйхатдан ўтишда тизимга шахсий маълумотларини киритиши ва қуйидаги хужжатларни юклаши талаб этилади:

паспорт ёки ID-карта нусхаси;
техникумни битириганлик тўғрисидаги хужжат ва унга илованинг нусхаси.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан вазирликнинг расмий веб-сайти орқали битирувчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёنлари мувофиқлаштирилиб борилади.

9. Онлайн рўйхатдан ўтган битирувчиларнинг тизимга юкланган хужжатлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан хар йили 5 августга қадар ўрганиб чиқилади ва ўрганиш натижалари бўйича абитуриентларнинг шахсий кабинетига орқали уларга хабар берилади.

10. Битирувчилар томонидан топширилган хужжатларнинг қалбақчилиги аниқланганда, у суҳбатдан (талабаликка қабул қилингандан кейин аниқланса, талабаликдан) четлаштирилади ҳамда хужжатлари белгиланган тартибда хукукни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

3-боб. Суҳбат жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш

11. Олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) хар йили 10 августга қадар ўз буйруғи билан хар бир таълим йўналиши бўйича алоҳида суҳбат комиссиясини тўзилади.

Суҳбат комиссияси 9 нафардан кам бўлган таркибда тўзилади ва унинг таркибига кадрларнинг асосий иш бериувчилари бўлган ташкилотлар ва олий таълим муассасаси бўйсунувчи бўйича вазирликлар ва идораларнинг

масъул ходимлари, соҳата таваллуқли техникумнинг малакали ўқитувчиси ҳамда бошқа олий таълим муассасасининг тегишли соҳа бўйича профессор-ўқитувчиси киритилади.

12. Техникумларни мунаффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича суҳбат жараёни тўлиқ видеокузатув остида ўтказилади ва жараён ота-оналар, кузатувчилар учун ажратилган алоҳида кутиш жойига овозли тарзда онлайн трансляция қилиб борилади.

Суҳбат жараёни тўлиқ ва сифатли видеокузатув остида ўтказилишини ва видеоёзувларнинг камида уч йил олий таълим муассасасида савқатинини таъминлаш масъулияти шахсан олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) зиммасига юклатилади.

13. Битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказилган суҳбат жараёни хар йили 10 августдан 25 августгача, олий таълим муассасаси томонидан белгиланган муддатда, Суҳбат комиссияси таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ўтказилади.

Суҳбат ўтказиш муддатлари суҳбат жараёнлари бошлангичдан камида бир ҳафта олдин олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Суҳбат жараёнига жамоатчилик вакиллари ҳам ҳолис кузатувчи сифатида жалб этилиши мумкин.

14. Белгиланган муддатларда суҳбатга келмаган битирувчиларга шу ўқув йили учун қайта суҳбат ўтказилмайдиган ва улар олий таълим муассасаси бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичидан ўқишга қабул қилинмайдиган.

Битирувчи уэрли саёбларга кўра (касалиги, хизмат сафарида бўлганлиги ёки оғта аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганди) суҳбатда иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, суҳбат ўтказилган сандан уч кундан кечикмай олий таълим муассасасида тўзилган қабул комиссиясига мурожаат этиши лозим. Мазкур тоифадати битирувчилар учун суҳбат жараёнлари тўлиқ якулангандан сўнг бир ҳафта муддат ичиди кўшимча суҳбат ўтказилади.

15. Суҳбат жараёнида битирувчиларнинг хар бирига куйидаги мавзулар бўйича биттадан жами тўртта савол берилади:

мамлакатда ўз соҳасига оид амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;

бакалаврият таълим йўналишини танлашда мотивация (соҳа касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш кўрсатиш);

шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларини ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжihatлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шахсий ютуқлар мавжудлиги, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари);

танланган бакалаврият таълим йўналиши соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги.

Жами тўтлаш мумкин бўлган энг юқори балл 100 баллни ташкил этади. Мазкур саволлар бўйича баҳолаш мезонлари тегишли олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқлангани ҳамда уларнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

16. Саволлар олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Саволлар мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган мавзуларга мос тўзилганлиги бўйича масъулият қабул комиссияси раиси зиммасига юклатилади.

17. Суҳбат жараёнида Суҳбат комиссиясининг хар бир аъзосига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунавий шаклдаги битирувчининг суҳбат натижаларини кайд этиш варағи (кейинги ўринларда – суҳбат натижаларини кайд этиш варағи) берилади.

Суҳбат комиссияси аъзолари томонидан суҳбат натижаларини кайд этиш варағига хар бир битирувчи билан ўтказилган суҳбат натижасига кўра балл белгилаб борилади ва имзоланади.

18. Муайян таълим йўналиши (гурух) бўйича суҳбат жараёни якунлангач Суҳбат комиссияси аъзолари томонидан тўлдирилган суҳбат натижаларини кайд этиш варағларидати баллар ҳисоблаб чиқилади ва шу асосида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ намунавий шаклдаги битирувчи билан ўтказилган суҳбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варағи (кейинги ўринларда – суҳбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варағи) тўлдирилади, Суҳбат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Суҳбат комиссияси томонидан тасдиқланган суҳбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варағига асосан Суҳбат комиссиясининг иштирок этган аъзолари томонидан куйилган балларнинг ўртачаси 67 балл ва ундан юқори бўлганда абитуриент суҳбатдан ўтган ҳисобланади.

Муайян таълим йўналиши (гурух) бўйича ўтказилган суҳбат натижаларига кўра суҳбатдан ўтганлар рўйхати шу куннинг ўзиди абитуриентларга ўқиб эшиттирилади.

19. Олий таълим муассасасида суҳбатлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция шикоятлари суҳбат натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичиди олий таълим муассасасида тўғридан-тўғри ёзма шаклда ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали онлайн шаклда қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан мурожаат қилгандарнинг сондан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгача бўлган муддатда видеоёзув асосида кўриб чиқилади.

20. Сухбат натижаларига кўра талабаликка тавсия этилганлар тўғрисидаги маълумотлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддатга олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан бўй сунуви бўйича вазирлик, идорача тақдим этилади.

21. Сухбат комиссиясининг сухбат натижаларини кайд этиш ҳамда сухбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варақлари уч йил олий таълим муассасасида сақланади.

22. Сухбат комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш олий таълим муассасалари талабаларига ўқув машғулотларини олиб борганлик учун белгиланган соғбай ҳақ тўлаш шартларида олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилиш

23. Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган сухбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варағига асосан битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичидан ўқиниши давом эттириш учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан талабаликка тавсия этилади.

24. Талабаликка тавсия этилганларнинг умумий рўйхати сухбат жараёни тўлиқ якунлангандан сўнг бир кун муддатга олий таълим муассасасининг веб-сайтида эълон қилинади ва шу кундан бошлаб уларга белгиланган намунадаги тўлов-контракт бланкълари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан берилади.

25. Талабаликка тавсия этилганлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

26. Сухбат комиссияси томонидан тасдиқланган сухбатнинг якуний натижаларини кайд этиш варағига асосан талабаликка тавсия этилганлар белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартлари бажаришдан сўнг олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан муайян бакалаврият таълим йўналишининг 2-босқичига ўқишга қабул қилинади.

5-боб. Якунловчи қондалар


27. Мазкур Низомни қўллашда юзата келадиган низомлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига сухбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига сухбат асосида ўқишга қабул қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Техникумни муваффақиятли тамомлаган (ўзлаштириш баҳолари "5 (аъло)" ва "4 (яхши)", бироқ баҳоларнинг камида 50 фоизи (тиббийёт олий таълим муассасалари учун камида 85 фоизи) "5 (аъло)" бўлган) битирувчи	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтади.	Ҳар йили 5 июлдан 25 июлга қадар
2-босқич	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари	1. Битирувчиларнинг тизимга юкланган ҳужжатларини ўрганади. 2. Ўрганиш натижалари бўйича битирувчига шахсий кабинети орқали хабар беради.	Ҳар йили 5 августга қадар
3-босқич	Олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари)	Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 9 нафардан кам бўлмаган таркибда Сухбат комиссиясини тузади.	Ҳар йили 10 августга қадар
4-босқич	Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳамда Сухбат комиссиялари	Битирувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган сухбат жараёнларини ташкил этади.	Ҳар йили 10 августдан 25 августга қадар



Техникумларни муваффақиятли тамомлаган
биттирувчиларни олий таълим муассасаларининг
бакалавриат таълим йўналишларида сўхбат асосида
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига
2-илова

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган биттирувчилар билан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларидаги сўхбат натижаларини кайд этиш варағи

(олий таълим муассасаси номи)

(таълим йўналиши номи)

(таълим шакли)

(таълим тили)

(сана)

Т/р	Биттирувчининг Ф.И.О.	Биттирувчига кўйилган бағли				Сўхбат комиссияси аъзосининг имзоси
		Жами	1-савол	2-савол	3-савол	
1.						
2.						
3.						
4.						
...

Сўхбат комиссияси аъзоси

(Ф.И.О.)

(имзо)

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган
Битирувчиларни олий таълим муассасаларининг
бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат ассоцида
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда
3-илова

**Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар билан
олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида ўтказилган
суҳбатнинг ақувий натижаларини қайд этиш варағи**

_____ (олий таълим муассасаси номи)

_____ (таълим йўналиши номи)

_____ (таълим шакли) _____ (таълим тили) _____ (сана)

Т/р	Битирувчининг Ф.И.О.	Комиссия аъзолари сони	Жами тўплаган бали	Ўртача бали
1.				
2.				
3.				
4.				
...

Суҳбат комиссияси раиси _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Суҳбат комиссияси аъзолари

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

